



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 03 | pp. 160-168 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

СОТИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



Кузиева Динора Баходировна, PhD.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Аудит” кафедраси доценти

Аннотация: Мазкур мақолада халқаро стандартлар асосида сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активларни тан олиш мезонлари келтириб ўтилган. Шунингдек, сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга оид ахборотларни молиявий ҳисоботларда ёритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: узоқ муддатли актив, ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ, молиявий ҳисобот, сотиш харажатлари, амортизация, қадрсизланиш.

ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА ДОЛГОСРОЧНЫХ АКТИВОВ, ПРЕДНАЗНАЧЕННЫХ ДЛЯ ПРОДАЖИ

Кузиева Динора Баходировна, PhD.

Доцент кафедры “Аудит”,

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: В статье представлены критерии признания долгосрочных активы, предназначенные для продажи на основы международных стандартов. Разработаны также предложения по раскрытию в финансовой отчетности информации о долгосрочных активы, предназначенные для продажи, и ввыбывающих групп.

Ключевые слова: долгосрочные активы, выбывающая группа, финансовая отчетность, затраты на продажу, амортизация, обесценение.

FEATURES OF ACCOUNTING FOR NON-CURRENT ASSETS HELD FOR SALE

Kuzieva Dinora Bakhodirovna, PhD.

Associate Professor of the Department of Audit,
Tashkent State University of Economics

Abstract: The article presents the criteria for recognizing non-current assets held for sale based on international standards. Proposals for disclosing information about non-current assets held for sale and disposal groups in financial statements are also developed.

Keywords: non-current assets, disposal group, financial statements, costs to sell, depreciation, impairment.

КИРИШ

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил этишда узоқ муддатли активлар муҳим аҳамият касб этади. Узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг жуда кўп қиррали муаммоси бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва ривожланишининг деярли бутун тарихи давомида кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бироқ, ҳозирги вақтда иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришнинг мураккаб жараёнлари бухгалтерлар ва иқтисодчиларнинг қарашларини чуқур қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Халқаро амалиётда узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активларнинг алоҳида тоифаси мавжуд бўлиб, уларни тан олиш ва баҳолаш тартибини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида узоқ муддатли активлар, хусусан, сотиш учун мўлжалланган активлар ҳисоби борасида фикрлар келтириб ўтилган.

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати” номли 1-сонли БҲМСга биноан “Узоқ муддатли активлари қуйидаги активлардан иборат бўлади: ташкилот фаолиятида узоқ муддатли асосда фойдаланиладиган активлар, жумладан ташкилотнинг мулки, бинolari ва ускуналари, номоддий активлари, капитал харажатлари ва гудвилл; инвестиция мақсадида сақлаб турилган ва ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлар” [1].

“Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тўхтатилган фаолият” номли 5-сон МҲХСда жорий ва узоқ муддатли активларга қуйидагича таъриф берилган: “Ташкилот қуйидаги ҳолларда активни жорий актив сифатида таснифлаши лозим: (а) ўзининг одатдаги операцион цикли давомида активни реализация қилиниши ёки сотилиши ёки истеъмол қилиниши кутилса; (б) актив асосан савдо мақсади учун мўлжалланган бўлса; (в) активни ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида реализация қилиниши кутилса; ёки (г) актив ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой мобайнида актив айирбошланиши ёки мажбуриятни сўндириш учун фойдаланиши тақиқланмаган пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти (7-сон БҲХСда таърифланганидек) шаклида бўлса.

Узоқ муддатли актив жорий актив таърифини қаноатлантирмайдиган активдир” [2].

Иқтисодчи олим И.Н.Исмановнинг тадқиқотларида узоқ муддатли активлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилган ҳамда мазкур турдаги активларга қуйидагича таъриф берилган: “узоқ муддатли активлар – бу корхона томонидан узоқ муддат мобайнида (12 ойдан кўп) фойдаланиш учун улущ, ҳада кўринишида ҳамда харид қилиб олинadиган,

келгусида иқтисодий наф келтира олиши ва назорат қилиниши мумкинлиги билан тавсифланадиган маблағлардир” [3].

Иқтисодчи олим В.В.Ковалев таъкидлашича, “узок муддатли активлар деганда умумий ҳолда корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган маблағлар тушунилади” [4].

С.А. Верещагин фикрича, “тугатиш фаолиятда фойдаланилган илгари сотиб олинган асосий воситалар кутилаётган даромадни тўхтатиши мумкин ва улардан фойдаланишни давом эттириш амалий эмас. Уларнинг жисмоний ҳолатига ва бошқа омилларга қараб, ташкилот бундай объектларни тугатиши ёки сотиши мумкин” [5].

5-сон МҲХС аниқ тартибда ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни молиявий ҳисоботнинг қайси бўлимида кўрсатиш кераклигига доир аниқ кўрсатмалар бермайди, бу эса мутахассислар орасида бундай саволга айрим муносабатларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Масалан, Ю.А. Васильев “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар)” қисқа муддатли активлар таркибида кўрсатилиши кераклигини таъкидлайди, чунки ушбу стандартнинг 3-босқичи ушбу активларни сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш мезонларига жавоб бериш вақтида уларни қисқа муддатли активларга қайта таснифлашни назарда тутди [6].

Мазкур ҳолат бўйича бошқа нуқтаи-назар ҳам мавжуд. Масалан, В.Борисенко “сотиш учун мўлжалланган активлар молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши кераклигини таъкидлайди. Бу позициянинг асоси 5-сон МҲХС 38-бандидаги қоидалар бўлиб, улар компанияларга сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узок муддатли активни (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг активлари ва мажбуриятлари) бошқа активлар (мажбуриятлар)дан алоҳида кўрсатишни мажбурият сифатида белгиланган” [7].

Юқоридаги фикрларда узок муддатли активлар, хусусан, сотиш учун мўлжалланган активлар ҳисоби борасида умумий ёндашувлар келтириб ўтилган бўлсада, бироқ сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва уларга оид ахборотларни молиявий ҳисоботларда ёритиб бериш масалалари тўлиқ баён этилмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ҳисобининг аҳамияти ва зарурлигини ўрганишда монографик кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга бўлган интилиши уларнинг бизнес жараёнларини таҳлил қилишга бўлган қизиқишининг ортишига олиб келди. Бундай таҳлил натижаларига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар кўпинча узок муддатли активларни сотиш, айрим бизнес йўналишларини ёпиш, филиалларни тугатиш ёки

шўъба корхоналарини тўлиқ сотишга мажбур бўладилар. Бундай ҳаракатлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига, унинг келгуси фаолияти натижалари ва пул оқимларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг асосий тамойилларидан бири – фаолият узлуксизлиги тамойилининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Мазкур ҳолатлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида ёндашув шакллантиришни ҳамда бундай операцияларни “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” номли 5-сон молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МХХС) талаблари асосида ҳисобот тузишни талаб қилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар айрим узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар) бўйича сотиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, шунингдек, активлар гуруҳи ва улар билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича ҳам шундай қарор қабул қилиниши мумкин. 5-сон МХХСда ушбу ҳолат учун «ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ» тушунчаси кўзда тутилган.

5-сон МХХСга кўра, “ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ – сотиш ёки бошқа усуллар орқали ягона операцияда гуруҳ сифатида биргаликда ҳисобдан чиқариладиган активларнинг ва операцияда ўтказиладиган ушбу активларга бевосита боғлиқ мажбуриятларнинг гуруҳидир” [2]. Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ ўз таркибига ҳар қандай (ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли) активлар ва мажбуриятларни олиши, шунингдек, пул маблағларини яратувчи бирликлар ёки унинг бир қисмидан иборат бўлиши мумкин. Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: шўъба корхона; ишлаб чиқариш бўлинмаси; бир нечта ишлаб чиқариш объектларидан иборат бизнес йўналиши.

Узоқ муддатли актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) агар унинг баланс қиймати доимий фойдаланиш орқали эмас, балки асосан сотиш орқали қопланса, сотиш учун мўлжалланган деб таснифланади. Масалан, агар компания автомобиль сотишга қарор қилса, унинг баланс қиймати асосан сотишдан тушадиган пул маблағлари ҳисобидан қопланади. Шу нуқтаи назардан, ушбу автомобиль “сотиш учун мўлжалланган” тушунчасига тўлиқ мос келади.

Актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган деб таснифланиши учун қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

узоқ муддатли актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) ҳозирги ҳолатида дарҳол сотишга тайёр бўлиши керак (бундай активларни сотиш учун одатдаги бозор шартларига мувофиқ);

сотиш жараёни юқори даражада эҳтимолий бўлиши керак.

Узоқ муддатли активни сотиш жараёни юқори даражада эҳтимолий бўлиши учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

компания раҳбарияти активни (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш режасини тасдиқлаган бўлиши керак

харидор топиш ва режани амалга ошириш бўйича фаол дастур ишга туширилган бўлиши керак

сотишни амалга ошириш учун фаол ҳаракатлар олиб борилиши, шу жумладан, активни бозордаги ҳаққоний қийматига мос нархда таклиф қилиш зарур

сотиш битими актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган деб тан олинган кундан бошлаб бир йил ичида яқунланиши кутилаётган бўлиши керак

режани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режадан воз кечиш ёки уни жиддий ўзгартириш эҳтимоли кам эканлигини кўрсатиши керак

1-расм. Узоқ муддатли активни сотиш жараёни юқори даражада эҳтимолий шартлар¹

Аммо амалиётда сотиш жараёни 12 ой ичида яқунланмаслиги мумкин ва бу белгиланган мезонлардан бирининг бажарилмаслигини англатади. Агар сотишнинг кечикиши компания назоратидан ташқари сабабларга боғлиқ бўлса, лекин шу билан бирга компания раҳбарияти сотиш режасини амалга ошириш ниятидан воз кечмаган бўлса, у ҳолда актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлашда давом этилади.

5-сон МҲХС нуқтаи назаридан, бундай ҳолат сотиш муддатига бир йиллик чегарани белгиловчи талабдан истисно ҳисобланади. Чунки ушбу стандартга мувофиқ истиснони қўллаш учун белгиланган шартлар (камчиликларни бартараф этиш учун керакли чора-тадбирлар компания томонидан ўз вақтида кўрилган ва тўсқинлик қилаётган омиллар ўз вақтида баратраф этилган) бажарилган. Шу сабабли, компания ишлаб чиқариш биносини узоқ муддатли актив сифатида сотиш учун мўлжалланган деб таснифлашда давом этади.

Активни сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш тўғрисидаги қарор мезонлар бажарилган санада қабул қилинади. Агар таснифлаш мезонлари ҳисобот даври яқунланганидан кейин, лекин молиявий ҳисоботни эълон қилишдан олдин бажарилган бўлса, тегишли маълумотлар изоҳларда ошкор қилиниши керак.

¹ Муаллиф ишланмаси.

Сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш бўйича 5-сон МҲХСнинг асосий талабларини батафсил кўриб чиқамиз.

I босқич. Актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) биринчи марта сотиш учун мўлжалланган деб таснифланишидан олдин, активнинг баланс қиймати (гуруҳдаги барча активлар ва мажбуриятлар) уларнинг ҳисобини тартибга солувчи тегишли стандартлар меъёрларига мувофиқ баҳоланади.

Бошқача қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъект узоқ муддатли активларга нисбатан ўзининг одатий ҳисоб сиёсатини ушбу активларни сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш учун барча мезонлар бажарилгунга қадар қўллаши керак. Агар шўъба компания сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган бўлса, унинг ҳар қандай активлари ва мажбуриятлари (шу жумладан, қисқа муддатли активлар, 5-сон МҲХС талаблари татбиқ этилмайдиган активлар ва мажбуриятлар) уларга тегишли стандартларга мувофиқ баҳоланади. Уларнинг рўйхати шўъба компаниянинг активлари ва мажбуриятларининг хусусиятига кўра аниқланади. Агар ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ янги сотиб олинган ва сотиб олиш вақтида сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш мезонларига жавоб берадиган компания бўлса, у ҳолда 5-сон МҲХС қоидаларига мувофиқ – сотиш харажатлари чегирилган ҳолдаги ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланиши керак.

II босқич. Сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган санада узоқ муддатли актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) икки қийматдан кичикроғи бўйича баҳоланади: баланс қиймати ёки сотиш харажатлари чиқариб ташланган ҳаққоний қиймат. Баланс қийматининг ҳаққоний қийматгача (сотиш харажатлари чиқариб ташланган ҳолда) дастлабки камайиши компания томонидан активнинг қадрсизланишга учраши натижасидаги зарар сифатида тан олинади.

Шу билан бирга, қайта таснифланган узоқ муддатли активлар (алоҳида ҳам, ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибида ҳам), баҳолашга нисбатан “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” номли 5-сон МҲХС талаблари татбиқ этилмайдиган ҳолларда, қайта таснифлангунга қадар уларга нисбатан қўлланилган стандартларга мувофиқ ҳисобга олишда давом эттирилиши лозим. Баҳолашга нисбатан мазкур стандарт қўлланилмайдиган активлар қуйидагилардан иборат:

- молиявий активлар;
- ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланадиган инвестицион кўчмас мулк;
- ходимларни мукофотлаш натижасида тан олинган активлар;
- кечиктирилган солиқ активлари ва бошқалар.

Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга кирувчи активларни баҳолашга махсус ёндашув талаб қилинади. Сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг ҳаққоний қиймати бутун гуруҳ активлари учун умумий ҳолда ҳисобланади, яъни алоҳида активлар учун ҳаққоний қиймат сифатида эмас, балки уларга кирган мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати чегирилган ҳолда

ҳисобланади. Бундахисобдан чиқариладиган гуруҳга тегишли қадрсизланишдан кўриладиган зарар уларга нисбатан 5-сон МХХС қўлланиладиган узоқ муддатли активлар ўртасида тақсимланади. Зарарни гуруҳга киритилган узоқ муддатли активлар ўртасида тақсимлашда қуйидаги тартибга риоя қилиш керак: биринчи навбатда, гудвилнинг баланс қиймати камаяди, сўнгра зарарнинг қолган қисми чиқариладиган гуруҳга киритилган узоқ муддатли активлар ўртасида уларнинг баланс қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

III босқич. 5-сон МХХС талабларига мувофиқ, узоқ муддатли активни (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш даврида қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

узоқ муддатли активлар (шу жумладан ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлган активлар) бўйича амортизация ҳисобланиши тўхтатилади;

узоқ муддатли актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) баланс қиймати ва сотиш харажатлари чиқариб ташлаган ҳаққоний қийматларнинг пастроғини ҳисоблаш асосида баҳоланади;

узоқ муддатли актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган барча активлар ва мажбуриятлар) умумий молиявий ҳисоботда бошқа активлардан (мажбуриятлардан) ажратилган ҳолда тақдим этилади.

Ҳар бир ҳисобот санасида сотиш учун мўлжалланган актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) икки турдаги энг кичик қийматга - баланс қиймати ва сотиш харажатлари чиқариб ташланган ҳолда ҳаққоний қийматга кўра баҳоланади. Бунинг натижасида баланс қийматининг сотиш харажатлари чиқариб ташлаган ҳолда ҳаққоний қийматга камайиши актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ)нинг қадрсизланишидан зарари сифатида тан олиниб, бошланғич таснифлаш санасида пайдо бўлган зарар каби акс эттирилади.

Агар кейинги даврларда сотиш харажатлари чегирилган ҳолда ҳаққоний қийматнинг ошиши кузатилса, компания олдин тан олинган қадрсизланишдан зарарга қарши киримни тиклашни тан олади. Бундай кирим олдин тан олинган умумий зарарлардан ошмаслиги керак (ҳар қандай даврларда, шу жумладан узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган деб таснифланганидан кейин ҳам кўпайтирилган зарарлар).

Узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш санасигача тан олинмаган фойда ёки зарар тан олиш тугатилган санада тан олинади.

Агар активни (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш бўйича мезонлар яна амалга оширилмаса, унинг таснифи тугатилиши керак, яъни актив аввалги тоифасига қайта таснифланиши шарт. Мазкур ҳолатда актив энг кичик қийматга кўра баҳоланади:

активнинг (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг) сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган санадаги баланс қиймати, амортизация ва, агар актив (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) ҳеч қачон бундай тарзда таснифланмаган бўлса, қайта баҳолашлар ҳисобга олинган ҳолда;

сотмасликка қарор қабул қилинган санадаги тиклаш мумкин бўлган қиймат.

Баланс қиймати тўғрилангандан кейинги натижа, активни сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш мезонлари бажарилмай қолган даврда давом этириладиган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар сифатида киритилади.

ХУЛОСА

1. Молиявий ҳисобот ва унинг изоҳларида сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш бўйича қуйидаги асосий талабларга риоя этиш зарур:

сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ активлари) молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда бошқа активлардан алоҳида кўрсатилиши лозим;

сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ мажбуриятлари ҳам молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда бошқа мажбуриятлардан алоҳида тақдим этилиши керак;

ушбу активлар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш тақиқланади;

сотиш учун мўлжалланган активлар ва мажбуриятларнинг асосий тоифалари молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда ёки унинг изоҳларида алоҳида очиқ берилиши шарт;

сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) билан боғлиқ бўлган ва бошқа ялпи даромаднинг таркибий қисмларидан алоҳида тақдим этилиши керак бўлган ялпи даромад (ёки харажатлар) алоҳида кўрсатилиши лозим;

қийсий маълумотларни қайта тақдим этиш талаб қилинмайди.

2. Фикримизча, сотиш учун мўлжалланган деб таснифлаш мезонларига жавоб берадиган узоқ муддатли активлар компаниянинг молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши ва уларга махсус бухгалтерия ҳисоби қоидалари қўлланилиши керак. Бухгалтерия ҳисобига қўйилган талаблар бундай активларнинг иқтисодий моҳияти билан боғлиқ. Чунки ушбу активларнинг баланс қиймати давомли фойдаланиш натижасида эмас, балки уларни сотиш орқали қопланиши кутилгани сабабли, уларнинг ҳисоби амортизация ҳисоблаш орқали баланс қийматини даромадлар билан боғлаш жараёни эмас, балки баҳолаш жараёнидан иборат бўлади.

3. “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” номли 5-сон МҲХСга мувофиқ тақдим этиладиган маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига узоқ муддатли активлар ва ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларнинг сотилиши натижасидаги молиявий натижаларни баҳолаш, компаниянинг рентабеллиги, молиявий ҳолати ва пул оқимларини янада ишончлироқ башорат қилиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати” номли 1-сонли БҲМС. <https://lex.uz/acts/7050497#7051727>

2. “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” номли 5-сон МҲХС. <https://lex.uz/uz/docs/6312360>
3. Ismanov I.N. Uzoq muddatli aktivlar hisobini takomillashtirish: Monografiya. Farg'ona, "Classik" nashriyoti, 2021. – 152 bet.
4. Ковалев В.В. Финансовый анализ. – М.: Финансы и статистика. 2001. - С. 127
5. Верещагин С. А. Долгосрочный актив к продаже. //Бухгалтерский учет № 8 август 2024. Стр. 4-8.
6. Васильев Ю.А. Активы на продажу с позиции МСФО // Услуги связи: бухгалтерский учет и налогообложение. 2012. № 3.
7. Борисенко В. Учет внеоборотных активов, предназначенных для продажи, и прекращенная деятельность в соответствии с МСФО 5 // Финансовая газета: ежемесячное обозрение. 2012. Вып. 1. URL: http://fingazeta.ru/upload/iblock/689/MSFO_1.pdf.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

